XALQ DEPUTATLARI CHILONZOR TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 5 - may II-59-55-14-204-K/22 Chilonzor tuman hokimligi

Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,24-моддалари, халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги “Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги II-53-83-14-204-K/21-сон-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги II-54-1-14-204-K/22-сон қарори ва халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг 2021 йил 28 декабрдаги “Чилонзор туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2022 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффицентини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-53-78-14-204-K/21-сон қарори қабул қилинганлигини инобатга олиб, халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги “Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги II-53-83-14-204-K/21-сон-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги II-54-1-14-204-K/22-сон қарори қабул қилинганлиги муносабати билан, 2020 йил 30 декабрдаги “2021 йил учун Чилонзор тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги” 151/31-2 сонли қарори;

халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг 2021 йил 28 декабрдаги “Чилонзор туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2022 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффицентини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-53-78-14-204-K/21-сон қарори қабул қилинганлиги муносабати билан, 2021 йил 26 январдаги “Чилонзор туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффициентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 155/33-2 сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Боллиева):

Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари Чилонзор тумани Кенгашининг ўз кучини йўқотган деб топилган қарорлар тўғрисида маълумотларни оммавий ахборот воситаларида

ёритилиши таъминлансин.

3.Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Kengash raisi **Ш.Мавлонов**